

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**448**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim  
қарорлариiga ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ихтисослаштирилган «Ўзагро-экспорт» ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 7 апрелдаги ПҚ-2515-сонли қарорига мувофиқ ҳамда республиканинг озиқовқат саноатини бошқариш механизми ва тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim қарорлариiga иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.*

2. Мазкур карорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти вазифасини бажарувчи**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 22 сентябрь,  
ПҚ-2608-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2016 йил 22 сентябрдаги  
ПҚ-2608-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
қарорларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 йил 4 май, 17-1, 216-модда):

- а) 1-илованинг 47-позицияси чиқариб ташлансин;
- б) 2-илованинг 40, 43, 47, 94, 95, 113 ва 121-позициялари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 18 февралдаги ПҚ-2492-сонли қарорининг З-иловасида:

- а) I бўйлумдаги 11, 19, 20, 29, 37 ва 38-позициялар чиқариб ташлансин;
- б) IV бўйлум қўйидаги мазмундаги 14-банд билан тўлдирилсин:  
«14. «Ўзагроэкспорт» ИТСК АЖ — янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ихтисослаштирилган «Ўзагроэкспорт» ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 7 апрелдаги ПҚ-2515-сонли қарорининг 8 бандида:

- а) иккинчи хатбошидан «компания акцияларининг 51 фоизидан кам бўймаган қисми давлатда сақланиб қолишини назарда тутган ҳолда» сўзлари чиқариб ташлансин;
- б) тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.